

## АЖРИМ

(ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2020 йил январь ойининг 04 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Сўх туман суди, [REDACTED]

[REDACTED]-уйда, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Зарипов, Н.Муталиеванинг котиблигида, Кува туман прокурори катта ёрдамчиси Н.Кимсанов, жабрланувчи [REDACTED]

[REDACTED], гумон қилинувчи [REDACTED] ўғлининг иштирокида, Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган [REDACTED] оид 1-1516-1901/47-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED], ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, муқаддам судланмаган, ишламайди, [REDACTED]-уйда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчилар ҳамда жабрланувчи вакилининг аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

### аниқлади:

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED]

[REDACTED] номига расмийлаштирилган, давлат белгиси [REDACTED] бўлган, “Damas” русумли транспорт воситасини ишончнома асосида бошқариб, [REDACTED] автомобиль йўлининг [REDACTED] автомобил йўли билан кесишган чорраҳасига етиб келганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31 ва 54-бандлари талабларини бузиб, светофорнинг қизил ишорасида ҳаракатланиб, [REDACTED] бошқарувида бўлган, “Nexia 2” русумли, давлат белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисасини содир этиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Мазкур йўл-транспорт ҳодисаси натижасида [REDACTED] ўзи, “Damas” русумли транспорт воситаси йўловчилари [REDACTED] лар, шунингдек, “Nexia 2” русумли транспорт воситаси йўловчилари [REDACTED] лар турли даражада тан жароҳатлари олганлар, [REDACTED] бошқарувидаги “Nexia 2” русумли, давлат белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасига моддий зарар етказилган.



Фарғона вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг 2019 йил 27 ноябрдаги 5167-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] аниқланган тан жароҳатлари узоқ муддатга (йигирма бир кундан кўп) соғлиғини бузилишига олиб келган ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига кириши;

- 2019 йил 19 ноябрдаги 5073-сонли хулосасига кўра [REDACTED] аниқланган тан жароҳатлари олти кундан кўп давом этмайдиган, тез ўтиб кетадиган енгил шикастлар тоифасига кириши;

- 2019 йил 19 ноябрдаги 5115-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] аниқланган тан жароҳатлари олти кундан кўп давом этмайдиган, тез ўтиб кетадиган енгил шикастлар тоифасига кириши;

- 2019 йил 22 ноябрдаги 5071-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] аниқланган тан жароҳатлари узоқ муддатга (йигирма бир кундан кўп) соғлиғини бузилишига олиб келган ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Жабрланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда у [REDACTED] билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда у [REDACTED] билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда у [REDACTED] билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] вакили [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, ҳозирда ўғли [REDACTED] етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.



Гумон қилинувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат этиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчилар билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, ўзига нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига кўра, мазкур Кодекс 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига кўра, жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкин.

Иш ҳужжатлари ҳамда судда аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] ўз айбига ихтиёрий иқрор бўлиб, жабрланувчи [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] лар билан ярашган ҳамда етказилган зарарни бартараф этган. Гумон қилинувчи [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас.

Шунга кўра ҳамда гумон қилинувчи [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] ҳамда жабрланувчи [REDACTED] вакили [REDACTED] ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосасини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, суд, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатиш лозимлиги ҳақида тўхтамга келди.

Бундан ташқари, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, жабрланувчи [REDACTED], [REDACTED] суд ярашувни тасдиқлаганидан сўнг, улар томонидан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилгани ҳақида тушунтириб ўтилганини инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 401, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд,

#### ажрим қилди:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин ҳамда унга нисбатан Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.



Жабрланувчи

мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида улар томонидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилгани ҳақида тушунтириб ўтилганлиги инобатга олинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона диск жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига тегишли тартибда хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**Р.Зарипов**

